
“Солиқчи - кўмакчи” тамойили амалда.

Таъкидлаш жоиз, айна пайтда Президентимиз томонидан тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Шу муносабат билан Қува туман солиқ инспекцияси ходимлари томонидан қийинчиликларга учраган тадбиркорларга “Солиқчи-кўмакчи” тамойили асосида амалий ёрдамлар кўрсатилиб келинмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 2023-йил 25-июл кунига қадар жами 2575 та тадбиркорлик субъектларини қийнаётган муаммолари ўрганилиб, шундан кўмаклашиш зарур бўлган 2541 та тадбиркорлик субъектларига дастлабки бухгалтериясини юритиш, қулай солиқ режимини танлаш, солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартибини тушунтириш, ортиқча тўловларини қайтариш ва бошқа масалалари юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатиб келинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан солиқ қонунчилигига киритилаётган ўзгаришлар бўйича тушунтиришлар Қува Ҳёти рўзномаси ҳамда туман хокимлиги расмий веб сайтыда ҳар ойда бериб борилмоқда.

Биз, солиқ идоралари ходимлари бундан буён ҳам, албатта, Президентимиз белгилаб берганларидек, тадбиркорга маслаҳатчи, кўмакчи ва яқин ҳамкор сифатида фаолиятимизни давом эттирамиз.

Қува туман солиқ инспекцияси Юридик шахсларга хизмат кўрсатиш шўъбаси

2023-08-23 13:55:18